

**АМИР ТЕМУР - МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ АСОСЧИСИ****Ҳақлиев В.Б.***Ўзбекистон Республикаси ИИВ 2-сон Тошкент Академик лицей ўқитувчиси, т.ф.н., доцент*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Буюк давлат арбоби Амир Темур ҳақида фикрлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** Соҳибқирон, Амир Темур сиймоси, бош қаҳрамон, Амир Темур шахсияти, тарихий тараққиёт, мустақиллик, Ватан, мўғуллар босқини, озодлик, мардона кураш, мустамлакачиликдан қутулиш.

Халқимиз тарихий тараққиётда мустақиллик учун доимо курашиб келган. Буюк давлат арбоби Амир Темур жонажон Ватанимизни мўғуллар босқинидан озод қилиш учун бутун умрини бағишлаб мардона кураш олиб борди. Амир Темур томонидан қўлга киритган ғалабалар мустамлакачиликдан қутулишга замин ҳозирлади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг Соҳибқирон Амир Темур сиймоси ҳақида тўлақонли ва ҳаққоний тасаввур берадиган, ишончли ва нуфузли манбаларга асосланиб ёзилган, бадиий тафаккур ва илмий мушоҳада адиб маҳорати туфайли уйғунлашиб кетган “Амир Темур сиймоси” китоби адабий жамоатчиликнинг, китобхонларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Асар муваффақиятининг яна бир сабаби — унда ўтмишда содир бўлган оламшумул тарихий воқеалар моҳияти, бу воқеаларнинг бош қаҳрамони Амир Темур шахсияти қизиқарли тарзда, пухта ўйланган бадиий композиция асосида ўзига хос жозиба билан тасвирланади.<sup>1</sup>

Чунки Амир Темур туғилган кунига 688 йилдан ортиқ вақт ўтганига қарамай унинг шахсига бўлган қизиқиш ҳануз давом этмоқда. Соҳибқирон ҳақида ёзилган китоблар сонининг кўплиги шундан далолат беради.

Ушбу асарлар китобхонлик маданиятини шакллантириш, ёш авлоднинг китобга бўлган қизиқишини юксалтириш, айниқса, ёшлар ўртасида китоб мутолааси тарғиботига бағишлаб сўнгги йилларда нашриёт-матбаа ижодий уйида нашр этилган ёзувчи Муҳаммад Али ва Тўлқин Ҳайит қаламига мансуб Соҳибқирон Амир Темурнинг шарафли ҳаёт йўли жонлантирилган “Амир Темур қалбида чақнаган нур”, таниқли олим Жумабой Раҳимовнинг “Адолат ва қудрат тимсоли” китоб-альбоми ҳамда Тўлқин Ҳайит муаллифлигидаги “Буюк салоҳият соҳиби”<sup>2</sup> китоблари таҳсинга сазовордир.

<sup>1</sup> Пиримқул Қодиров Авлодларга аталган буюк кашфиёт <https://e-tarix.uz/milliyat-insholari/maqolalar/980-maqola.html>

<sup>2</sup> <https://kun.uz/kr/news/2017/07/27/soibkiron-amir-temur>

Китобхонлик тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойишида белгилаб берилган вазифа ва топшириқлар ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини шакллантириш, таълим муассасаларини бадий, маърифий, илмий-оммабоп ва тарбиявий адабиётлар билан таъминлашни янада кучайтириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим қадам бўлаётганлиги таъкидлаш муҳимдир.

Таниқли олим, педагог ва публицист Жумабой Раҳимовнинг “Адолат ва қудрат тимсоли” китоб-альбоми буюк давлат арбоби ва улуғ саркарда Амир Темурнинг бутун ҳаёт йўлини ёритишга бағишланган.

Асарда Ватан озодлиги, мустақиллиги учун ақл бовар қилмас жангу жадал майдонида сўнги нафасигача курашган, жумладан, Шарқ халқларини ёвуз душмандан ҳимоя қилган, номи тарихда ҳақли равишда мангу қолган буюк саркарда, Соҳибқирон Амир Темурнинг тарихий ҳақиқат руҳидаги сиймоси кенг ёритилган.

Тўлқин Ҳайит қаламига мансуб “Буюк салоҳият соҳиби” асарида буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг серқирра фаолияти, ҳарбий ишлари, адолат ўрнатиш бобидаги давлатчилик ислохотлари, илм-фан, меъморчилик, адабиёт, санъат, тарих ва бошқа яна ўнлаб соҳаларда амалга оширган унутилмас ишлари очиқ берилади.

Тарихий ҳақиқат шуки, Амир Темур бугун дунёнинг тўрт буюк аҳонгиридан бири сифатида тан олинмоқда. У ўзи олиб борган бирор урушда енгилмаган буюк маршалдир.

Амир Темур мўғуллар маҳв этган Туркистон оламини янгидан кучли ва бой ўлкага айлантirdи. Ёқилган, йиқитилган Ўрта Осиё шаҳарларини Кешдан Самарқандгача, Бухородан Термизгача тиклаб, янгидан жонлантirdи, мадраса, масжид, кўприк, карвонсарой, анҳорлар билан ер юзини безади.

Соҳибқирон ҳар бир ўлка ва миллат фақат илм аҳли, кучли насллар билан ҳаётини давом эттира олишини яхши биларди. Шу боис сайидлар, шайхлар, дарвишлар, олим ва шоирларга доим алоҳида эътибор берарди. У яшаган даврда Темурнинг Ватани “Илм ва ҳикмат аҳли юрти”, дея улуғланарди.<sup>3</sup>

Амир Темурнинг тўлиқ исми Амир Темур ибн Амир Тарағой ибн Амир Барқул бўлиб, 1336 йил 9 апрелда Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳри яқинидаги Хожа Илғор қишлоғида таваллуд (ҳозирги Яккабоғ тумани) топган. 1405 йил 18 февралда Ўтрор шаҳрида вафот этиб, Самарқандда дафн қилинган. У ўрта

<sup>3</sup> <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/ahmad-shimshirgil>

асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли, марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида танилган.

Амир Темурнинг онаси Такина хотун бухоролик бўлган. Отаси амир Тарағой эса барлос уруғининг оқсоқолларидан ҳамда Чигатой улусининг эътиборли бекларидан ҳисобланган. Шарафуддин Али Яздийнинг таъкидлашига кўра, «уламо ва сулаҳо ва муттақийларга мушфиқ ва меҳрибон эрди ва буларнинг мажлисига борур эрди...».

Шайх Кулол Амир Темурнинг пири бўлган. Шамсуддин Кулол (? — 1360 й. гача, Кеш) [шайх. Шарафуддин Али Яздий](#) «Зафарнома» асарида берган маълумотига кўра, [Амир](#) Тарағойнинг [пири](#). «У қадрли шайх Шамсуддин Кулолга сидқидилдан ихлос қиларди ва унинг [муборак](#) қабрига ([зиёрат](#) учун) тез тез бориб турарди», деб ёзади [Али](#) Яздий. Шамсуддин Кулол тасаввуфда [сухравардийлик](#) (Сухравардий номи билан боғлиқ) тариқатига мансуб бўлган. [Соҳибқирон](#) Амир Темурнинг ҳам унга нисбатан ихлоси жуда кучли бўлган, салтанатни бошқарган чоғларида ҳам Шамсуддин Кулол қабрини зиёрат қилиб турган. 1373-74 йилларда [Амир Темур](#) Шамсуддин Кулол қабри ёнида бир гумбаз мақбара қурдиради ва отасининг хокини ўша ерга кўчиртириб, Шамсуддин Кулол қабрининг [қибла](#) ([ғарб](#)) томонига дафн этади

Амир Темурнинг ёшлиги Кешда кечди. Етти ёшга тўлгач, отаси уни ўқишга берди. Амир Темур ёшлик чоғлариданоқ махсус мураббийлар назорати остида чавандозлик, овчилик, камондан нишонга ўқ узиш, бошқа турли машқ ва ҳарбий ўйинлар билан машғул бўлган. Шу аснода Амир Темур тулпорларни саралаб ажрата оладиган моҳир чавандоз ва довюррак баҳодир бўлиб вояга етган.

Амир Темур ўзининг илк ҳарбий фаолиятини қўл остидаги навкарлари билан айрим вилоят амирларига хизмат қилишдан бошлаган; уларнинг ўзаро курашларида қатнашиб, жасорат кўрсатган, жангларда чиниққан, ҳарбий маҳоратини оширган.

Хондамирнинг ёзишича, отаси амир Тарағой Амир Темурни аввал (1355) амир Жоку барлоснинг қизи Нурмушк оғога, сўнгра ўша йили (1355) Қазағоннинг набираси ва амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон оғога уйлантиради. Кейинги никоҳ туфайли Амир Темур билан Балх ҳокими амир Ҳусайн ўртасида иттифоқ юзага келиб, улар биргаликда мўғулларга қарши курашадилар.

Амир Темурнинг Мовароуннаҳрни бирлаштириш йўлидаги ҳаракати 14-асрнинг 60-йиллари бошларидан бошланди. Мамлакатда сиёсий парокандалик авжига чиқиб, оғир танглик содир бўлди. Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» китобида келтирилган маълумотларга қараганда, улус ўнга яқин мустақил бекликларга бўлиниб кетган.

Бу даврда Чигатой улусининг шарқий қисми - Еттисув ва Шарқий Туркистонда ҳукмронлик қилаётган мўғул хонлари Мовароуннаҳрдаги оғир сиёсий вазиятдан фойдаланиб, 1360-61 йилларда ва 1365 йилларда

Мовароуннаҳрга бир неча бор бостириб кирадилар. Мўғул хонларининг босқинчилик юришлари ва зулмига қарши халқ ҳаракати бошланади.

Мана шундай оғир паллада сиёсат майдонига Амир Темур киради. Мўғулларга қарши туриш учун кучлар нисбати тенг эмаслигини ҳисобга олган 24 ёшли Амир Темур 1360 йилнинг бошида Туғлуқ Темур томонидан Кешга юборилган беклар билан келишади.

Бироқ, Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори этиб тайин қилинган Илёсхожа ва унинг лашкарбошиси амир Беккичик билан Амир Темурнинг мурасиси келишмай қолади. Шу сабабдан 1361 йилнинг охирида у мамлакатни тарк этишга мажбур бўлади.

Амир Темур мўғуллар билан курашиш мақсадида амир Ҳусайн билан бирлашиб, икковлон куч тўплашга киришади. 1362 йилнинг кузида Сеистонда вилоят ҳукмдори Малик Қутбиддиннинг тарафида туриб мекронийлар билан бўлган тўқнашувда Мамақтув деган киши отган ўқ Амир Темурнинг ўнг қўли ва ўнг оёғини жароҳатлайди. Сўнг Амир Темур яна Ҳусайдан ажралиб, Хуросон жанубидаги Арсаф чўлида бир ой жароҳатларини даволайди. Бу воқеа 1362 йил кузига тўғри келади. Жароҳатлар даволанганидан сўнг Амир Темурнинг ўнг оёғи бир оз оқсоқланадиган бўлади. Ўнг қўлидаги жароҳати қилич ушлашга халал бермайди. Умуман жароҳатлар унинг жанговарлик фаолиятига безарар эди.

Амир Темур ва Амир Ҳусайн кейинги икки йил давомида Илёс Хожа бошчилигидаги Жета лашкари билан бир неча марта жанг қилдилар. Ва, ниҳоят, 1364 йил охирида улар мўғулларни Мовароуннаҳр ҳудудидан қувиб чиқаришга муваффақ бўлдилар.

Бироқ 1365 йил баҳорида яна шарқдан душманнинг кўпсонли лашкари келаётир, деган хабар тарқалади. Амир Темур ва Амир Ҳусайн Тошкент билан Чинос (Чиноз) ўртасида Чирчиқ бўйида лашкар тўплайдилар. Душман Конибодом тарафидан яқинлашиб келарди. Сўнг икки тараф лашкари саф тортиб турди. Чиғатойлар лашкарининг ўнг қўлида Ҳусайнбек ва сўл қўлида Темурбек турдилар. Жанг ҳижрий 766 йил рамазон бошида (1365 йил 22 май куни) юз берди. Аввалига чиғатойларнинг устунлиги сезилди. Лекин душман тарафи ҳалол жангда енголмаслигини сезиб, найранг ишлатади: ядачи яда<sup>4</sup> тошини ишлатиб, ёмғир ёғдирди: ёруғ кунда тўфон кўтарилиб, момақалдироқ бўлди ва «анча йам ғур тўқдиким, олам тўла сув бўлди ва андоқ балчиқ бўлдиким, от еридин тебрана олмай ва отлиқу яйоққа мажоли ҳаракат йўқ эрди.

<sup>4</sup> **Ядатоши**, яда, жада, санги жади, хажар улмутур (форсча жоду дан олинган) — ривоятларга кўра, қадимда туркий халқларда махсус тош ёрдамида тегишли афсун-дуо ўқиш йўли билан қор, ёмғир, шамол, бўрон чақириш ёки уларни тўхтатиш удуми. Л.Н. Гумилёвнинг ёзишича, Ядатоши 20-асргача амалиётда бўлиб келган. Сигир, от ёки тўнғиз ошқозонидан чиққан тош устида ўқилган дуо ёрдамида ёмғир чақирилган. Ядатоши ҳақидаги дастлабки маълумотлар Хитой манбаларида (Тан шу) қайд этилган. Туркий халқларга оид ўрта аср тарихий манбаларида душманга қарши курашда Ядатоши дан унумли фойдаланилганлиги ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди. С.Е.Маловнинг фикрича, Ядатоши билан боғлиқ маросимлар яқин вақтларгача нафақат олтойликлар, тувалар, балки бошқа туркий халқлар томонидан ҳам ўтказилиб келинган.

Ва ўз ерларига ҳайрон бўлуб, йамғур жиҳатидин бошларига капанак туруб эрдиларким, муҳолиф черики аларға етти, капанак (чўпонларнинг кигиз ёки устки кийими бурка Х.В.) ларини бошларидин ташлаб уруш қилдилар».<sup>5</sup>

Шундай оғир обиҳаво шароитига қарамай, Амир Темур сўл қўлдан душманнинг ўнг қўл тарафига қаттиқ ҳужум қилади ва душманнинг бу тарафини ҳам, Илёс Хожохонни ҳам чекинишга мажбур этади.<sup>6</sup> Лекин душманнинг сўл қўли Шамсуддинбек бошчилигида чиғатойларнинг Амир Ҳусайн раҳбарлигидаги ўнг қўлига қаттиқ ҳужум қилади. Амир Темур ўнг қўлнинг чекинаётганини кўриб, навкарини Амир Ҳусайн ёнига юборади, қўшинларини сўл қўл тарафига яқинлаштиришини буюради. Лекин Амир Ҳусайн бунга кўнмайди. Шундан сўнг душман ташаббусни ўз қўлига олиб, чиғатойларни иккига ажратиб юборади ва ғалабага эришади. Бу жангда Амир Темур Мовароуннаҳр ҳокими бўлишига қадар ва умуман тарихида биринчи марта, у ҳам бўлса, Амир Ҳусайннинг айби билан мағлубиятга учради. Бу жанг тарихга «жанг лой» номи билан кирди.

1366 йил баҳорида Амир Темур ва Амир Ҳусайн Самарқандга келадилар. Бу ерда юз берган тартибсизликлар ва зўравонликларнинг асосий айбдорлари суд қилинади. Айбдорлар сарбадорлар эканлиги исботланганидан сўнг Амир Темур Мавлонозода Самарқандийни ўз ҳимоясига олади, чунки Мавлонозода Самарқандий [Мўғулистон](#) хони Илёсхўжа Мовароуннаҳрга ҳужуми пайтида [Самарқанд](#) мудофаасига бошчилик қилган. Мўғуллар Самарқандни эгаллаш учун отланганларида [шаҳар](#) ҳокими қочиб кетган. Шунда Мавлонозода жоме масжиди олдида тўпланган 10 [минг](#) кишилик [шаҳар аҳолиси](#) ўртасида қизгин [нутқ](#) сўзлаб халқни курашга чорлаган ва Самарқандни [мудофаа](#) этишга раҳбарлик қилишни ўз зиммасига олган. Ҳофизи Абруннинг «Зубдат ут-таворих» асарида ёзилишича, Мавлонозода [Бухоро](#) улуғзодаларидан, донишманд киши бўлиб, у камондан яхши ўқ отар, ўта журъатли ва довюраклиги билан машҳур эди. [Абу Бакр](#) Кулуий (Калавий) [Наддоф](#) билан биргаликда шаҳар мудофаасига тайёрланган, хусусан, шаҳардаги барча дарвозаларни беркитган. Кўчалар, боғлар атрофига ғовлар қурдирган. Фақат бир кўчани очик қолдириб, шу ерда Мавлонозоданинг ўзи 500 кишиси билан пистирмада ўтирган. Душманнинг [қоровул](#) қисмлари ҳеч қандай хавотирсиз шаҳарга кириб келганда, Мавлонозоданинг ишораси билан дўмбиралар чалинган. Душманга ҳар томондан ўқ-ёйлар, тошлар ёғдирилган, уларни таёқлар билан савалаганлар. Натижада мўғулларнинг 1000 аскарлари мажруҳ бўлган, 100 таси эса қўлга олинган.<sup>7</sup> Қолганлари эса Конибил (Самарқанд яқинидаги қишлоқ Х.В.)да дорга осилади. Бу воқеада Амир Ҳусайн мамлакат ҳокими сифатида намоён бўлди. У Амир

<sup>5</sup> Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Х-Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С.Саиддосимов (раҳбар), А.Ахмедов, Б.Ахмедов ва бошқ. Тулдирилган ва кайта ишланган иккинчи нашри. — Т.: «Шарк». 2001.-304 б.

<sup>6</sup> [Илёсхожа](#) (14-аср) - Мўғулистон хони (1363—65). Туғлуқ Темурнинг ўғли. Унга [Шарқий Туркистон](#), Еттисув, Тяньшан этаклари, Иртиш ва Эмил дарёлари атрофидаги ерлар қараган.

<sup>7</sup> <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mavlonozoda-uz/>

Темур лашкарбошилари Жакубек, Сайфуддинбек, Оқ Буға, Элчи Баҳодур ва Давлатшоҳ Бахшиларга «жанги лой»даги мағлубият айбдорлари деб катта жарима солади. Улар айтилган миқдордаги жаримани тўлашга қодир эмас эдилар, шунинг учун ёрдам сўраб Амир Темурга мурожаат этишади. «Ҳазратнинг ҳиммати андоқ буюрдиким, — деб ёзади Яздий, — алар учун, не-нимасиким бор турур, бергай. Ул жумладин икки исирғақим, маҳди улё Ўлжай Турконнинг эрди, Ҳусайнбекка йибарди. Ва Ҳусайнбек ани кўруб билди ким, синглининг турур, аммо ҳирси ан доқ бўлуб эрдиким, синглининг ҳаққини кўрмай, аларни олди». Амир Ҳусайннинг тамагирлиги, қўрқоқлиги ва иродасизлиги Амир Темурнинг хислатларига бутунлай зид бўлиб, бу икки шахс орасида душманлик деворини кўтарди. Ўша 1366 йил охирида Темурнинг хотини Ўлжай Туркон оқа, яъни Амир Ҳусайннинг синглиси вафот этади. Шундан сўнг иккала амир ўртасида қариндошлик муносабатлари ҳам узилиб, фақат душманлик қолади.

Амир Темур билан Ҳусайн орасидаги муносабатнинг кескинлашуви улар ўртасида тўқнашувларга олиб келди. 1367 йил бошларидан 1370 йил баҳоригача бўлган вақт ичида бундай тўқнашувлар бир неча марта рўй беради. Бу орада улар икки марта ярашишди. Иккала амир ўртасидаги асосий тўқнашув 1370 йил апрелида Балх (Афғонистон) яқинида юз берди. Амир Ҳусайн батамом енгилгач, Амир Темурнинг ҳузурига ўз ўғлини юбориб, гуноҳидан кечишни ва Маккага ҳажга боришга рухсат беришини сўрайди. Соҳибқирон бунга розилик бераётган чоғда Амир Ҳусайннинг ўзини банди қилиб, қўллари боғланган ҳолда Амир Темур ҳузурига келтиришади. Амир Темур Амир Ҳусайннинг қонидан кечади. Бироқ Амир Ҳусайннинг маккорлиги ва бадкирдорлигини яхши билган беклар бунга рози бўлишмади, чунки агар Амир Ҳусайн ҳозир қутулиб қолса, яна аскар тўплаб, фитна уюштириши, ташвишлар орттириши турган гап эди.

1370 йил баҳорида Чигатой улусининг барча беклари тўпланиб, қурултой чақирадилар. Унда Амир Темур Кўрагонни ҳукмдор деб эълон қиладилар ва унга байъат (эътироф) этадилар. Бу воқеа ҳижрий 771 йилнинг 12 рамазонида (1370 йил 9 апрелида), яъни милодий ҳисобда 34 ёшга тўлган кунининг эртасига юз берган эди.

Амир Темур Амир Ҳусайн билан бўлган охирги жангдан бир неча кун аввал Термизга яқинлашиб келар экан, шаҳарга уч фарсах (қарийб 70 километр) масофа қолганида Биё (ҳозирги Исо Термизий қишлоғи, Шеробод тумани) мавзеида Макка шарифларидан бири бўлмиш Саййид Барака ўрдуга келиб, Соҳибқиронга султонлик рамзи — ноғора ва байроқни топширган эди. Бу эса исломнинг муқаддас шаҳарлари Маккаи мукаррама, Мадинаи мунавварадаги ислом пешволари Амир Темурни қўллаётганликларини билдирарди. Амир Темур бундан бағоят руҳланди. Шу-шу, Саййид Барака умрининг сўнгги дамларигача Амир Темур билан бирга бўлди. Саййид Барака, Мир Саййид Барака (1343–1403) — [Амир Темурнинг](#) пири. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича,

асли [Макка шаҳридан](#) бўлиб, [Амир Темур](#) билан дастлаб [Термиз](#) шаҳрида учрашган. Макка ва [Мадинанинг](#) вақфларини (Макка ва Мадина шаҳарлари ислом оламида муқаддас шаҳарлар деб аталгани сабабли ислом давлатлари ҳукмдорлари ҳар йили бу шаҳарларга вақф маблағи, яъни белгиланган миқдордаги маблағни юбориб туришни шарафли бурч деб билганлар) ундириш учун Балхга Амир Ҳусайн ҳузурига келган. [Амир Ҳусайн](#) у талаб қилган маблағни бериш у ёқса турсин, ҳатто Саййид Баракага илтифот ҳам кўрсатмайди. У бундай совуқ муносабатдан хафа бўлиб Термизга қараб кетади ва Термиз яқинида Амир Темур билан учрашади. Амир Темур у талаб қилган маблағни ортиғи билан беради. Амир Темур 1370-йил салтанатни қўлга олгач, Андхўй ([Афғонистон](#)) вилоятини барча қишлоқлари билан Саййид Баракага „иқтў“ тарзида инъом қилади. Иқтў — (кўплиги иқтаъот; ақтаъа феълидан - "кесмоқ", "тақсимлаб бермоқ")- маълум ҳудуддан хирож олиш ҳуқуқини давлат томонидан бирор шахсга берилиши. Саййид Барака Соҳибқироннинг [Мозандарон](#), [Дашти қипчоқ](#) ҳарбий юришларида унга ҳамроҳ бўлган, қўшиннинг руҳини кўтарган. Саййид Барака ҳарбий сафарларга қатнашмаган пайтда Самарқанд ва Андхўйда яшаган. 1404-йил қишда Саййид Барака оғир касалликдан сўнг вафот этади. Бу хабарни эшитган Амир Темур Саййид Бараканинг жасадини Андхўйда дафн этишни буюради. 1409-йилда [Шоҳрух Мирзо Мовароуннаҳр](#) тахтини [Халил Султондан](#) тортиб олгач, Саййид Бараканинг хоқини Андхўйдан Самарқандга келтириб, Амир Темур мақбарасига дафн эттиради.<sup>8</sup>

Амир Темурнинг буюклиги шундаки, тарих унга Марказий Осиёни бирлаштиришдек тарихий бурчни юклади.

Балхдаги қурултой Амир Темурни Мовароуннаҳрнинг ягона подшоҳи деб сайлаб, мамлакатда узоқ даврлардан орзу қилинган тинчлик, барқарорлик ва тартиб ўрнатилишига имкон берди.

Шарафуддин Али Яздий Амир Темур ушбу сўзларни айтганлигини ёзади: «ҳазрат Соҳибқироннинг ҳиммати раво кўрмас эдиким, олам ичинда андин ўзга киши ма молик амрида дахл қилғай, ё «Вилоят менга тегар», деб даъво қилғай. Доим му борак тилида кечар эрдиким, «Дунё ан доқ ер йўқ турурким, икки киши анда дахл қилғай. Ва дунёни йасағон Парвардигор бир турур, дунёда ҳам подшоҳ бир керак.»<sup>9</sup>

Эл-юртни бошқаришда ҳарбий кучнинг аҳамиятини яхши тушунган Амир Темур қўшиннинг тузилишига катта аҳамият берди. У «амир» ва «амир ул-умаро» каби юқори даражали ҳарбий унвонлар жорий қилди. Қўшинни ҳарбий жиҳатдан ислоҳ қилар экан, у айниқса лашкарбошиларни танлаш ва уларни тарбиялаш, ҳарбий қисмлар ва уларнинг жойлашиш тартиби, навкар ва

<sup>8</sup> [https://uz.wikipedia.org/w/index.php?title=Sayyid\\_Baraka&variant=uz-cyrl](https://uz.wikipedia.org/w/index.php?title=Sayyid_Baraka&variant=uz-cyrl)

<sup>9</sup> Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Х-Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С.Саиддосимов (раҳбар), А.Ахмедов, Б.Ахмедов ва бошқ. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. — Т.: «Шарк». 2001.-304 б.

сарбозларнинг қуролланиши ҳамда интизом масалаларига ниҳоятда эътибор беради.

Амир Темур Мовароуннаҳрни мўғуллар ҳукмронлигидан озод этиб, бу қадимий мамлакатда мустақил давлат барпо этган бўлсада, ҳали мамлакатда барқарор тинчлик ўрнатилган эмас эди. Бир томондан айрим вилоят ҳокимлари Амир Темур ҳақимиятини тан олишдан бош тортиб турган бўлсалар, иккинчи томондан мамлакатнинг шарқий ва шимолий ҳудудлари нотинч эди. Мўғулистон билан Оқ Ўрда ҳукмдорлари Фарғона водийсининг шарқи, Ўтрор, Ясси (Туркистон) ва Сайрам шаҳрларига хавф солиб, бу ҳудудларга тез-тез ҳужум қилар ва аҳолини талон-тарож қиларди. Шунинг учун ҳам Амир Темур дастлабки йилларда мамлакат сарҳадлари хавфсизлигини таъминлашга катта аҳамият берди. Исёнчи амирларга қарши шафқатсиз кураш олиб борди.

Шарафуддин Али Яздий Амир Темурнинг Москва юришини шундай таърифлайди: «Соҳибқирон Маскавга сориким, Руснинг шаҳарларидан эрди, таважжух қилди. Анда етконда нусратшиёр черики ул вилоятни (шаҳар ва атрофини) чобтилар ва андағи ҳокимларни тобеъ қилди. Ва черикнинг эликларига сонсиз мол тушти...» («Зафарнома», 179-бет). Бу урушда Азақ (Азов), Кубан ва Черкас ерлари ҳам кучли азият чеқди. Қизиғи шундаки, Амир Темур Идилнинг Туротур кечуви бўйида Ўрусхоннинг ўғли Қуйричоқ ўғлонни чақиртириб, унга қўлга киритилган собиқ Жўчи улусини инъом этди. Россия тарихчилари Д. Греков ва А. Ю. Якубовскийларнинг ёзишларича, Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси, фақат Марказий Осиё учун эмас, балки бутун Шарқий Европа, шунингдек тарқоқ Русь князликларининг бирлашиши учун ҳам буюк аҳамият касб этган.

Амир Темур - буюк давлат асосчиси. У Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгизга қадар, Сирдарё ва Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадар ғоят катта ҳудудни қамраб олган марказлашган улкан салтанатга асос солди.